# Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти

Манзил: Кашкадарё Вилояти, Карши шахри,730000, Насаф кучаси 19-уй.Тел, ++99891,453,79,14.
Банк: Кишлок курилиш Карши Ш..код МФО 00155,Х/р.20208000604347269001СТИР:205192434,ОКОНХ 84400
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 15 октябр кунидаги №-00614-сонли лицензиясига эга.

## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Мен Караев Абдусаттор Сафарович **Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»** аудитор ташкилотининг аудитори(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 28- февралдаги № 05289 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект **"Қашқадарё Технологик Транспорт" АЖнинг** Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисооти) дан иборат

**2016 йил хисобот даври учун 01.01.2017** йил холатидаги тузилган молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Қашқадарё Технологик Транспорт" АЖнинг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳакконийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

"Қашқадарё Технологик Транспорт" АЖ 2016 йил якуни бўйича 231979,0 минг сўм соф фойда билан якунлаган.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **"Қашқадарё Технологик Транспорт" АЖнинг** 2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳакқоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: Ш.Жовлиев

Аудитор: А.Караев.
25.04.2017 йил